прель

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 75 (5. 966) • 1986 йил 1 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.



## КПСС XXVII съезди қарорлари— ҳаракатимиз қўлланмаси

Шаҳарнинг ишлаб чиқариш коллективлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили биринчи кварталини муваффақиятли якунладилар. Бу даврда совет халқининг ҳаётида тарихий воқеа бўлган КПСС XXVII съезди бўлиб ўтди. Шонли сана шарафига ҳамма жойда оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди, «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди.

Партия анжумани арафасида 17 корхона, 193 цех, 1020 участка ва бригада, 29 мингга яқин ишчи икки ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этганлиги ҳақида рапорт бердилар. Улар орасида Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Қизил Тўқимачи» темир йўл станцияси, 4-автопарк ва бошқа корхоналар бор. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент қуюв заводи ва бошқа корхоналардаги янги ишга туширилган ишлаб чиқариш майдонларидан дастлабки маҳсулот олинди.

Йил бошидаги юқори суръат ҳозир ҳам пасаймаяпти. Шу йилнинг январь-март ойлари мобайнида шаҳар индустрияси планга қўшимча 16 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот берди.

Ҳозир шаҳарнинг барча меҳнат коллективларида КПСС XXVII съезди материаллари муҳокама қилинаяпти. Тошкент шаҳрининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан ишлаб чиқаришни интенсивлашга, маҳсулот сифатини яхшилашга, моддий ва энергетика ресурсларини тежашга, ҳар бир иш жойида тартиб ва интизомни йўлга қўйишга қаратилган қарорларини сўзсиз бажаришни асосий мақсад қилиб олишди. Бутун куч ва имкониятлар ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили учун олинган план ва мажбуриятларни муддатидан аввал адо этишга қаратилмоқда.

Йиллик план—муддатидан илгари

## Квартал топшириғига қўшимча

«Агропромремонт» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи коллективининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, буюртмачиларга жўнатган маҳсулоти 2 миллион 514 минг сўмликни ташкил этди. Бу биринчи квартал планида белгиланганидан 25 минг сўм ортиқдир. Коллектив меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини 101,5 процентга адо этди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, буюмлар сифатини яхшилаш бўйича ҳам дурустгина ютуқларни қўлга киритди.

Қишлоқ механизаторлари учун зарур техника воситалари ишлаб чиқарадиган ва ремонт қиладиган корхона ишчилари шу кунларда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Цехлараро мусобақада мотор ремонт ва деталларни қайта тиклаш цехлари ишчилари намуна бўлишяпти. Жумладан, мотор ремонт цехида йил бошидан бери ҳайдов тракторларининг 2310 двигатели сифатли ремонтдан чиқарилиб республикамизнинг колхоз ва совхозларига жўнатилди. Цехнинг илғор ишчилари, коммунистлар В. Муҳаммадёров, С. Пак, Т. Аҳмедов, И. Татарчинский зиммаларидаги вазифани тез ва соз бажариб, ҳамкасбларига меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатишяпти.

Сўз—КПСС XXVII съезди делегатига

## Сифат—бош мезон

**«Бугунги кунда юксак сифат бўлмаса фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг иложи йўқ. Конструкторлик ишларининг чалалиги, технологиядан четга чиқиш, сифатсиз материалларни ишлатиш, ёмон пардозлаш туфайли биз катта моддий ва маънавий зиён кўрмоқдамиз».**

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладидаги ушбу сўзлар айниқса биз қурувчиларга тегишлидир. Сифат масаласи шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб, унга асосий эътиборни қаратиш талаб этилмоқда. Буни яхши тушунган бригадамиз аъзолари бажараётган иш сифатига алоҳида эътибор бермоқда.

Коллективимиз ўтган йил план-топшириқларини муваффақиятли бажарди. Кўпчилик қурувчиларимиз эса бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини адо этишди.

Биз учун ютуқлар чегара эмас. Буни коллективимиз яхши тушунади. Шунинг учун ҳам январь ойининг дастлабки кунлариданоқ ғайрат камарини белга маҳкам боғладик. Бригадамиз ойлик якунлари бўйича юксак кўрсаткични қўлга киритди. Ой охирида 40 минг сўмлик иш бажарилиб, план ортиғи билан адо этилди. Бу улкан муваффақиятга эришишда пешқадам қурувчиларимиз М. Каримов, А. Шофайзиев, Б. Аброров, А. Ҳолматовларнинг ҳиссалари катта бўлди. Февраль ойида ҳам белгиланган маррани қўлга киритдик. Март ойи охиригача 45 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилган эди. Бу кўрсаткични ортиғи билан адо этиб, квартал планни муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдик.

11-«Висотстрой» трестининг «Спецжелезобетонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли бригадамизда ҳаммаси бўлиб 32 киши меҳнат қилади. Шу кунларда экскаватор ремонти заводи учун 2 та янги корпус қурилишида самарали меҳнат қиляпмиз. Бизга зарур бўлган асосий қурилиш материалларини «Главташкентстрой»нинг қурилиш ташкилотлари етказиб беради.

Корпус қурилишида биз билан ёнма-ён В. Петренко бригадаси меҳнат қилмоқда. Биз бу коллектив билан мусобақадошмиз.

Бутуниттифоқ коммунистларининг олий форумида қурилишда сифатга эътибор масаласи қайта-қайта тилга олинди. Съезд материалларидан руҳланган коллектив «Сифат — бош мезон» шиори остида меҳнат қилмоқда.

**М. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**11-«Висотстрой» трестининг қурувчилар бригадаси бошлиғи, Ленин ордени кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, КПСС XXVII съезди делегати.**

## Шартномага биноан

БУГУН

**Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси коллективининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига жўнатган маҳсулоти 5,5 миллион сўмликдан ошди. Бу квартал учун белгиланган топшириқдагидан анча ортиқдир.**

Корхона чеварлари янги беш йилликнинг биринчи йилида савдо ташкилотлари билан тузилган шартнома асосида ишлаб, харидорлар эҳтиёжига мос бўлган янги буюмларни ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтиряпти. Янги йилдан бери фабрика савдо тармоқларига «Н» («Янгилик») индекси билан 150 минг сўмликка яқин маҳсулот жўнатди. Булар орасида аёлларнинг кашта тикилган тунгги кўйлаклари, духоба сўзана, кашта тикилган дастурхон ва бошқа буюмлар ғоят харидоргирдир.

Корхонада КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун кенг қулоч ёйган мусобақада попоп цехидаги Р. Шарафуддинова, М. Мирзааҳмедова бошлиқ, тикув цехидаги М. Аҳмадхўжаева, бичувчилик цехидаги М. Абдураҳмонова бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишяпти. Бу бригадаларнинг коллективлари КПСС XXVII съезди очилиши арафасида биринчи квартал топшириғини бажарганликлари ҳақида рапорт беришганди. Ҳозир иккинчи кварталнинг май ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлашяпти.

Замондошимиз



Валерий Чатицкий ёшлигиданоқ спортга меҳр қўйди. Унинг бирдан-бир орзуси футбол билан ростмана шуғулланиш ва келгусида бирор командага аъзо бўлиб ўша клуб шарафини ҳимоя қилиш эди. Шунинг учун бўш вақтини футбол машғулотига сарфлар, кун сайин тактик маҳоратини ошириб борарди. Кечалари шашка катаклари устида бош қотирар ва мактабнинг ажабтовур шашкачиси сифатида кўзга ташланиб қолганди. Синфдошлари ёш спортчининг маҳоратига тан беришар, унинг номини кўкларга кўтаришарди.

Бироқ ўрта мактабнинг битирув кечасида ўқитувчилари билан бўлган кўнгилли суҳбат Валерий Чатицкийда ишчи касбига ихлос уйғотди.

— Ишлаб туриб ҳам спорт билан шуғулланса бўлаверади, — дейишди мураббийлар.

Валерий шундай қилди. «Подёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди. Бироқ спортни ҳам тарк этмади. У завод футбол командасини тузишда жонбозлик кўрсатди. Шашка бўйича корхона биринчилигида ғолибликни қўлга киритди.

— Спортга меҳр қўйган киши, меҳнат қилиб чарчамас экан, — дейди у. — Баъзан мендан ишда илғорлигингизни сири нимада, деб сўраб қолишади. Мен шундайларга ҳамма вақт иш билан спорт ҳамоҳанглигида деб жавоб бераман.

Валерий Чатицкий — КПСС аъзолигига кандидат, Коммунистик меҳнат зарбдори. Ўн биринчи беш йиллик илғори. «Сифат аълочиси» нишондоридир.

У шу кунларда 1988 йил ҳисобига ишламоқда.

Т. Каримов фотоси.

Шаҳримиз намунали бўлсин

## Район чирой очади

Шу кунларда пойтахтимизнинг кўча ва хиёбонларида ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Ленин район ободонлаштириш бошқармаси ишчи ва хизматчилари ҳам бу ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Ҳозирга қадар Қўйлиқ массивининг Чиковани, Мунис, Бешкент кўчалари бўйлаб, С. М. Киров номидаги маданият ва истироҳат боғида, «Чебурашка» болалар оромгоҳида ва вокзал олди майдонида 6,5 мингта кўчат ва 20 мингдан зиёд яшил тўсиқлар ўтқазилди.

Айни пайтда Т. Шевченко, Полторацкий, Г. Титов кўчалари, Космонавтлар проспектида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бошқарманинг М. Нишонбоева ва М. Ҳайдарова бошлиқ бригадалари ишчилари яна 6 минг туп мевали дарахт кўчатини ўтқазишга бел боғлашган.

## Жамият мукофоти лауреати

Актив янгилик яратувчилар сифатида донг таратаётган ихтирочи ва рационализаторлар орасида изланувчан хотин-қизлар ҳам талайгина. Бундай ижодкор аёллар ишларини янада оммалаштириш мақсадида энг яхши ижодий ишлар бўйича Бутуниттифоқ конкурси эълон қилинган эди.

Ихтирочи ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти йўли билан амалга оширилган бу тадбирга яқинда якун ясалди. Жамиятнинг марказий кўрик комиссияси маъқуллаган ишлар орасида ўзбекистонлик вакилларнинг тадқиқотлари ҳам бор.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг катта илмий ходими, химия фанлари кандидати М. Соибова ҳам ихтирочи ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти мукофотининг лауреати бўлди. Олима илмий муассасанинг физик-кимёвий тадқиқотлар методи лабораториясида қатор янгиликлар билан чиққан эди. Улар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, миллион сўмликка яқин фойда келтирди. Унинг актуал темаларда бир неча илмий иши ҳам чоп этилди.

С. ОДИЛОВА.

Тошкент шаҳар Советининг сессиясидан

# ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Э. А. Ризаев** доклад қилди. У бутун совет халқи каби Тошкент меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVII съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Сиёсий доклади таассуротлари билан яшаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Шаҳар меҳнат коллективларида ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажариш ва ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Ускуналардан фойдаланишни яхшилаш асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, барча турдаги моддий ресурсларни иқтисод қилиш, кенг истеъмол буюмлари сифатини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун кураш тобора кенг кўлам касб этмоқда.

Белгиланган планларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан Тошкент шаҳрининг қишга тайёргарлигига боғлиқ бўлади.

Докладчи ўтган куз-қиш мавсуми қулай келганлигини, деярли совуқ бўлмаганлигини таъкидлаб ўтди. Шаҳарга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан катта ёрдам кўрсатилди. Тошкентнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Ўтган йили «Северная» қозонхонасида янги қозон фойдаланишга топширилди, Шота Руставели кўчаси бўйлаб коллектор, 19 километр узунликдаги янги магистраль ва кварталлараро иссиқлик шохобчалари, юқори босимли айланма газ қувури фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 103 километр узунликдаги кварталлараро иссиқлик шохобчаларини ётқизиш бўйича катта ишлар амалга оширилди, 220 уйдаги иситиш воситалари радиаторларга алмаштирилди.

Буларнинг ҳаммаси турар жой бинолари, ишлаб чиқариш ва жамоат биноларини иссиқлик билан таъминлашни нормаллаштириш учун шароит яратди.

Шу билан бирга айрим министрликлар ва маҳкамалар, бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар белгиланган қиш олди тадбирларининг амалга оширилишини таъминлай олмадилар. Гражданларнинг шикоятларига ҳам сабаб шу. Айниқса Акмал Икромов, Октябрь ва Ҳамза районларидан кўп шикоятлар олинди. Иситиш мавсумининг бошланишида Қорақамиш, Студентлар шаҳарчаси, Тошкент Давлат медицина институти ва бошқа турар жой массивлари иситилмади. Тошкент политехника институти, Тошкент Давлат университети ва шаҳардаги бошқа айрим олий ўқув юртларининг қатор ётоқхоналари ниҳоятда қониқарсиз аҳволда.

Шаҳардаги барча саноат корхоналарида ҳам бир маромда ишлаш учун шароит яратилди, деб бўлмайди. Бу экскаватор, «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш» заводлари ва бошқа саноат корхоналарига тааллуқлидир.

Докладчи ва сўзга чиққанлар омилкорлик билан хўжалик юритишга алоҳида урғу беришди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи ва бошқа корхоналар фойдаланилаётган ресурсларни қатъий назорат қилиб боришяпти. Депутатлар «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган, айрим ишлаб чиқариш коллективларининг хўжасизликка ва исрофгарчиликка йўл қўяётганликлари танқид қилинган «Давлат ҳамёнидан тўланаётган... жарималар» мақоласини таъкидлаб ўтишди.

Белгиланган лимитларга амал қилмаётган фақат 32 корхона шу йилнинг январь ойида ажратилган фондларга қўшимча равишда шунча электр энергиядан фойдаландики, бу энергия бутун Тошкент шаҳрини икки соат давомида таъминлашга етар эди. Бу корхоналарнинг раҳбарлари эса ой сайин ҳеч ўйлаб ўтирмай лимит ошириб юборилганлиги учун жарима ёзилган счетларга имзо чекишмоқда. Сессияда «Средазкабель» бирлашмаси, Сергелидаги темир-бетон конструкциялари заводи, ремонт механика заводи, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлиги танқид қилинди.

Докладда ва сўзга чиққанларнинг нутқларида министрликлар, маҳкамалар, корхона ва ташкилотлар, шаҳар ва район хизматларининг айрим раҳбарлари 1984—1985 йиллардаги қаҳратон қиш сабоқларини унутиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишидан ўзларини четга олишди. Шу боисдан ҳам шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳри халқ хўжалиги барча тармоқларини 1986-1987 йиллар қиш шароитида бир маромда, узлуксиз ишлашга комплекс тайёрлаш тўғрисидаги масалани барвақт кун тартибига қўйди.

Келгуси мавсумда маромида иссиқлик билан таъминлаш учун 15 октябрга қадар «Новочиланзарская» ва «Северо-Западная» иссиқлик марказларининг биринчи навбати ишга туширилиши таъминланиши лозим. Шу муддатда 9 километр узунликдаги магистраль иссиқлик тармоқлари, «Новомосковская» насос аккумулятор станцияси ишга туширилишини таъминлаш, Тошкент ГРЭСи турбиналарини реконструкция қилиш лозим.

Иситиш мавсумининг бошланишига қадар 130 километр узунликдаги ишдан чиққан кварталлараро иссиқлик тармоқларини янгилаш ишларини якунлаш, 10 мингдан зиёд бинони қишга тайёрлаш, 5 мингдан зиёд уйнинг иситиш системасини ремонтдан чиқариш, 458 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойни капитал ремонтдан чиқариб, ишга тушишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу йилнинг октябрь ойига қадар 18 минг квартирадаги нур билан иситиш системасини радиаторларга алмаштириш бўйича реконструкция ишларини амалга ошириш белгиланган.

Сессияда Тошкентда турар жой ва бошқа бинолар, иншоотлардан фойдаланишни яхшилаш, микрорайон ва шаҳар территориясини ободонлаштириш, намунали ҳолга келтириш бўйича шаҳар кўригини ўтказиш яхши анъанага айланганлиги ҳақида гапирилди. Ўтган йили шундай кўрик бўлди. Унда 40 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Умумшаҳар кўриги бу йил ҳам ўтказилади. Бу турар жой биноларини қишга тайёрлашга ёрдам беради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жамоатчилик ташаббуси билан шаҳримиздаги 2330 турар жой биноси аҳоли томонидан авайлаб-асралмоқда. Бу уйларда жамоатчилик томонидан кўнгилли ремонт дружиналари ташкил этилган бўлиб, улар майда ремонт ишларини бажаришмоқда, подъездларда навбатчилик қилишмоқда, бошқа хайрли ишларни ҳам амалга оширишяпти.

Ленин районидаги 16-ЖЭУ, Куйбишев районидаги 15-ЖЭУ ва бошқа участкаларда жамоатчилик ишлари яхши ташкил этилган. Район советларининг зиммасига турар жой жамоатчилиги ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, уларнинг эътиборини турар жой фондини сақлаш ва авайлаб-асрашни яхшилашга йўналтириш вазифаси қўйилди.

Шунга эришиш керакки, аҳоли томонидан жамоатчилик асосида авайлаб-асрашга олинган уйлар кўпаяверсин. Уларнинг ўзлари, ўз кучлари билан зиналарни, вестибюлларни тозалашсин, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига амал қилинишини назорат қилишсин, балкон ва лоджиялар, ифлосланишига йўл қўйишмасин. Электр энергияси, иссиқлик, сув сарфини, турар жойларни қишга тайёрлашни қатъий назорат қилиш ҳам жамоатчиликнинг ишидир.

Ўтган куз-қиш мавсумида шаҳар транспорти адресига жуда кўп эътирозлар билдирилди. Айрим автобус, троллейбус ва трамвайларнинг салонлари иситилмади, ҳар хил сабабларга кўра маршрутлардаги ҳаракат графиги бузилиб турди. Сессияда трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, «Главташпассавтотранс», барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармасининг раҳбарларига куз-қиш мавсумига ўз вақтида тайёргарлик кўриш лозимлиги уқтирилди.

Қишки мавсумга тайёргарлик муносабати билан хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам қийин вазифаларни ҳал этиши лозим. Бу даврда аҳолини сифатли сабзавот ва мевалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун шаҳарда ҳамма имкониятлар бор. Бироқ, улардан ҳамиша ҳам яхши фойдаланилмайди.

«Ташплодоовощ» бирлашмаси базаларида сабзавотларни қониқарсиз сақлаш, сабзавот маҳсулотлари, мева ва картошкани қиш мавсумига жамғариш топшириғини бажармаслик, бу маҳсулотларнинг белгиланган нормадан кўп исроф бўлишига йўл қўйиш ҳоллари учраб турибди.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, савдо, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ходимларига ҳам жиддий ишлашга тўғри келади. Ҳамма жойда қишга яхши тайёргарлик кўриш лозим. Одамларнинг кайфияти ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам кўп жиҳатдан шу нарсага боғлиқдир, дейишди депутатлар.

Иккинчи масала — «Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг 1, 2, 3 сессияларида билдирилган истаклар, таклиф ва танқидий мулоҳазалар бажарилишининг бориши тўғрисида» аввалги сессияларда кўтарилган барча масалалар синчиклаб ўрганиб чиқилганлиги, аниқ тадбирлар белгиланганлиги, депутатларнинг танқидий фикр ва мулоҳаза, таклифлари амалга оширилаётганлиги ҳақида шаҳар Совети ижроия комитети ахборот берди.

Сессияда ёшлар билан ишлаш комиссиясининг ҳисоботи тингланди ва тегишли қарор қабул қилинди. Унда бу комиссия шаҳардаги ёшлар масаласини умуман олганда ҳал қилишга жиддий таъсир кўрсатмаётганлиги, унинг составида ҳар бир депутатнинг активлигини оширишга эриша олмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сессия кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишда Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари, 258-сайлов округидан депутат **О. Асқаров,** Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг раиси, 53-сайлов округидан депутат **Г. Медников,** 319-сайлов округидан депутат **Х. Тожиев,** «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 276-сайлов округидан депутат **Л. Костин,** уй ва қозонхона хўжалигининг ремонтчи-ишчиси, 100-сайлов округидан депутат **Л. Шчербакова,** «Узбекгидроэнергострой» тресті бошқарувчиси **А. Эргашев,** 2-автопарк электрчилар бригадасининг бошлиғи, 420-сайлов округидан депутат **Ю. Мамот** иштирок этдилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Советлари тўғрисида»ги Қонунининг 42-моддасига биноан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети 477-сайлов округидан депутат У. У. Умаровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети составидан чиқарди. 166-сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари **А. И. Фозилбеков** халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг составига сайланди.

**Э. А. Ризаев** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, **В. А. Котов, К. Н. Тўлаганов** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

